



Кун нафаси

Президент раислигида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2022-2023 йилларда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёшлар кенгашининг 15-йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Испаниянинг INDITEX компаниясининг Ижтимоий барқарорлик дирекцияси вакиллари билан учрашув ташкил этилди.



Самарқанд шаҳрида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шiori остида ўтказилган ёшлар фестивалида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва вилоят секторлар раҳбарлари иштирок этиб, энг китобхон еш оила, ёшларга тамжур нуруний, энг фаол спортчи, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси ва бошқа истеъдодли йигит-қизларни рағбатлантирди.



Ўзбекистон ва Россия шаҳарлари ўртасидаги темир йўл қатновни 23 июндан тикланади. Бу ҳақда «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик жамияти хабар бермоқда.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова пойтахтимиздаги Яшноробод туманида сайёр қабул ўтказди.



9 июнь куни ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов АКШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Даниэл Розенблум билан учрашиб, IT-парк янги қурилаган мажмуасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди.



Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортинқўжаевнинг Тошкент шаҳри ҳудудида ёшларга дрефт уюштириш учун қулай шарт-шароит яратиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.



«Худудгазатминот» томонидан хонадонлар учун газ харажати калкуляторини ишга туширилди.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
11 июнь
шанба
№ 74
(4670)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ёзги соғломлаштириш

«ЗОМИН»ДА ЗАВҚЛИ ТАЪТИЛ

«Зомин» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўғил-қизларни ўз бағрига олди. Оромгоҳда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.



Абитуриентлар диққатига!

МЕХНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги мутахассис-кадрларни тайёрлаш учун

2022-2023 ўқув йилига

талабалар қабулини эълон қилади:

1. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
3. Инсон ресурсларини бошқариш (Тест саволлари: математика, чет тили);
4. Ижтимоий иш (турли соҳаларда) (Тест саволлари: математика, чет тили);
5. Психология (фаолият турлари бўйича) (Тест саволлари: биология, она тили ва адабиёт);
6. Менежмент (Тест саволлари: математика, чет тили);
7. Юриспруденция (Тест саволлари: тарих, чет тили).

Таълим тури ва даври: кундузги, 4 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сонли қарори асосида ташкил этилган

Мехнат ва ижтимоий муносабатлар академияси нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади.

Муассаса электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхонага эга. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ўқув жараёнига автоматлаштирилган «платформа» мажмуаси жорий этилган.

Талабалар ўқув биносига wi-fi (бепоул интернет)дан фойдаланиши мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Паспорт фото нусхаси;
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича диплом ёки шаҳодатнома (11-синфни битирганлиги тўғрисидаги) фото нусхаси;
3. Абитуриент сурати (3x4, 300 dpi шаклда).

Ҳужжатлар 2022 йил 20 июндан 20 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй.

Шунингдек, абитуриентлар — <https://atso.mdg.uz> электрон манзили бўйича рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 71-265-01-64, 71-265-01-54.

Қабул комиссиясининг иш вақти: душанбадан жумагача соат 9:00 дан 18:00 гача.

Азиз ёшлар!

Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз билим ва малакангиз билан муносиб ҳисса қўшмоқчимисиз? У ҳолда биз сиз учун бу шароитни яратиб берамиз.

МЕХНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

МЕХНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

вакант лавозимларга танлов асосида профессор ва ўқитувчиларни ишга таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сонли қарори асосида ташкил этилган Мехнат ва ижтимоий муносабатлар академияси (нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади) қуйидаги фанлар бўйича ўқитувчиларни ишга таклиф этади:

- «Янги Ўзбекистон» стратегияси;
- Олий математика;
- Амалий математика;
- Физика;
- Кимё;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фан тарихи ва хорижий таърифи;
- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;
- Ишлаб чиқаришда компьютер технологиялари;
- Иқлим ўзгариши ва унга мослашиш;
- Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тарихи;
- Ижтимоий иш тарихи ва халқаро таърифи;
- Барқарор ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари;
- Инсон ҳуқуқлари декларацияси;
- Вояга етмаганлар билан ишлаш;
- Ижтимоий ишнинг этик принциплари ва қадриятлари;
- Менежментда ижтимоий ишлар;
- Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли билан ишлаш;
- Ижтимоий ишда тадбиркорлик фаолияти;
- Инсон ресурсларини бошқариш таълими.

- рих ва хорижий таърифи;
- Иқтисодиёт назарияси;
- Ўзбекистон иқтисодиёти;
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси;
- Бизнес ва тадбиркорлик;
- Менежмент ва маркетинг;
- Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Статистика;
- Ижтимоий психология;
- Бухгалтерия ҳисоботи;
- Психология назарияси ва методологияси;
- Психология тарихи ва илғор хорижий таърифи;
- Ижтимоий психология;
- Психологик таълим ва тарбия;
- Вояга етмаганлар билан ишлаш;
- Этика ва нутқ маданияти;
- Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- Рақамли ва ахборот технологиялари;
- Ҳуқуқий педагогика ва психология;
- Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи;
- Мутахассисликка кириш (йўналишлар бўйича).

Танлов иштирокчилари академия ректори номига ариза топширадиган (қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда: шахсий ҳодимларни қайд этиш варақаси ва олий таълим дипломларининг нусхалари, мутахассислик йўналиши бўйича объектив маълумоти).

Ҳужжатлар 2022 йил 25 майдан 25 июнгача қабул қилинади. Профессор-ўқитувчиларни танлов комиссиясининг суҳбатидан кейин танлов ҳулосасига кўра амалга оширилади.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй. Телефон: (71) 265-01-64. Веб-сайт: <https://atso.mdg.uz>

Келгуси сонларда ўқинг...

БОБОЛАР ГАПНИ ҚАНДАЙ БОғЛАШГАН?

ҚОҒОЗДА МУМКИН ЭМАС, АМАЛДА-ЧИ?

Тошкент
вилояти

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижросига бағишланган ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, акциядорлик жамияти ходимлари касабаси уюшмаси ўз фаолиятини 48 минг 210 нафар аъзога эга бўлган 41 та бошланғич ташкилот орқали юритиб келмоқда.

Хусусан, ходимларга беҳатар меҳнат шaroитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси соҳасида ишларни тўғри ташкиллаштириш мақсадида сайланган 708 нафар вакилдан 657 нафари намунавий ўқув дастури асосида ўқитилган.

7650 нафар ишчи, пенсионер ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга моддий ёрдам ажратилган, 722 нафар киши пенсияга чиқишдан олдин бериб ўла моддий ёрдам ва совғалар билан тақдирланган, 716 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан пул мукофоти ва эсдалик совғалари тўхфа этилган.

Ҳисобот даврида 2 659 нафар ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилган. Хусусан, меҳнаткашларнинг са-



наторий-профилакторийда дам олиш кунини узайтириш бўйича билдирган таклифи иш берувчи ҳамда касабаси уюшмаси томонидан кўриб чиқилиб, санаторий-профилакторийда дам олиш кунини 10 кундан 14 кунга узайтирилган. Шу билан бирга,

ишчи-ҳодимларнинг 3070 нафар фарзанди комбинатнинг «Истиқлол», «Металлург», «Гулзор» ва «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишган.

Комбинат касабаси уюшмаси томонидан «Ўзбекистон

бўйлаб саёҳат қил» шиори остида 2 564 нафар комбинат ишчи-ҳодимлари учун юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилган.

«Касабаси уюшмаси – ёшларга» ижтимоий акцияси доирасида


Ҳисобот конференция

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти касабаси уюшмаси стипендияси учун 16 нафар иқтидорли, кам таъминланган ўқувчининг ҳар бирига моддий ёрдам пули ажратилган.

2020 йилда комбинат ишчисининг ҳар бирига ижтимоий пакет учун 13 миллион 700 минг сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 14 миллион 200 минг сўмни ташкил этган.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касабаси уюшмаси жамоа шартномасининг 2021 йилдаги бажарилиши қониқарли деб топилди.

Конференцияда жамоа шартномасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан 4 та қўшма қарор қабул қилинди.



Феруза БОЗОРОВА,
Олмалик кон-металлургия комбинати ходимлари касабаси уюшмаси кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси



Миннатдорлик

Қадрдан қаддим юксалди

Ёшим салкам 90 да. Ўттиз йил Сўх туманидаги 1-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга таълим берганман. Ҳозир пенсиядаман. Китобий ибора билан айтганда, кексалик гаштини сўриб юрибман.

Биласиз, Сўх – анклав ҳудуд. Бу туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатиб келган.

Айниқса, бундан 5-6 йил олдин айни шу жиҳат ниҳоятда билинар эди. Ўша вақтларда бошқа туманлардаги қавму қариндошларни ҳар замонда бир йўқлаб туришнинг ҳам иложи бўлмасди. Чегарадан ўтиш – муаммо. Ижтимоий объектларни куриш эса жуда қийин кечарди. Умуман, қўллаб сабаблар боис туманимиз тараққиётдан анча ортда эди.

Аммо бугун вазият бутунлай ўзгарган. Давлатимиз раҳбарининг Сўх ва сўхликларга бўлган алоҳида эътибори сабаб туманимизда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Аввало, йўللар очилди. Энди вилоят марказига, умуман, Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларига бемалол бориб келмоқдамиз. Сўхга вилоят марказидан авиарейслар қатнови йўлга қўйилди, сўхлик ёшлар учун олий таълимда махсус грантлар ажратилди, турли имтиёзлар берилди. Барча соҳаларда ҳаётбахш эврилишларни кўрмоқдамиз.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ри-

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса ана шундай тарихий ишларга дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Яқинда туманимизда замонавий болалар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг таклифи билан тантанали тадбирда иштирок этдим. Тадбир асосида Федерация раиси Қудратилла Рафиқов билан учрашдим.

Айни вақтда мен Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг амалий ёрдами билан пойтахтдаги «Чинобод плаза» санаторийсида соғлиғимни тикламоқдам. Очиги, бу мен учун қутлимган совға бўлди. Сихатгоҳдаги шароитларни ортқча изоҳлаб ўтирмайман – таърифта тил ожиз. Муложалардан сўнг ўзимни ҳудди қирқ яшар йигитдек ҳис қилайман. Қадрдан қаддим юксалди десам, муболага бўлмайди.

Сўзим охирида шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, мамлакатнинг бир фуқароси сифатида инсон қадри нима эканини шу ёшга етиб билдим. Кексаларни эъзозлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Бизни сийлаганларни Аллоҳ сийласин.

Субҳиддин ШАРОФИДДИНОВ,
меҳнат фаҳрийси

Сурдарё
вилояти

Мусобақа

«БИЗЛАР – СПОРТЧИ ОИЛАМИЗ»

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «Бизлар – спортчи оиламиз» шиори остида ўтказилган республика оилавий спорт мусобақасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Унда тармоқ касабаси уюшмаларининг ғолиб жамоалари иштирок этишди.

Қизиқарли шартлардан иборат мусобақада Ҳаққуловлар оиласи ғолиб бўлиб, мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Улуғбек Абдулаҳатов оилавий жамоаси иккинчи, Аббор Атабаев оилавий жамоаси эса учинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, барча спортсевар жамоалар қатор номинация ғолиблари бўлишди. Жамоалар касабаси уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Мусобақада ғолибликни қўлга киритиб, энг кучли, энг соғлом оилалардан бири эканимизни исботладик, – дейди «Sirdaryo IES» акциядорлик жамияти 2-қозон турбина цехи машинисти Аҳмаджон Ҳаққулов. – Бу тадбир бир умрга ёдда қоладиган бўлди. Бунинг учун касабаси уюшмалари ташкилотидан миннатдоримиз.

Тадбир сўнгига мусобақа иштирокчилари учун байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»


Қорақалпоғистон
Республикаси

Нукус шаҳрида ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва спортнинг оммавийлигига эришиш мақсадида «Бизлар – спортчи оиламиз» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг 2-босқичи ўтказилди.

Мазкур мусобақа Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил қилинди.

Мусобақа ғолибларига ҳамда «Энг қаққон оила», «Ғалабага интилиши юксак оила», «Энг аҳил оила», «Энг фаол оила» номинациялари эгаларига ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар тантанали равишда топширилди. Бундан ташқари, мусобақаларда фаол иштирок этган барча жамоалар ҳам муносиб тақдирланди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



Учрашув

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

«Росхимпрофсоюз»нинг Татаристон Республикаси ташкилоти вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ташриф дастурига биноан, меҳмонлар «Ўзкимёсаноат» АЖ раҳбарияти, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари, тармоқ тизимидаги бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари раислари ва касабаси уюшма фаоллари

билан учрашди.

Шунингдек, делегация аъзолари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида бўлиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа йўналишлардаги кенг қамровли фаолият билан танишди.

Меҳмонларда «Навоийазот» АЖ, «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ касабаси уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда болалар

соғломлаштириш оромгоҳларига доир ишлар катта таассурот қолдирди.

Ташриф якунида тарафлар ўзаро ўқувларни ташкил қилиш масалаларига бағишланган мажлисларда иштирок этиш, алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олдилар.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



«ОРОЛ»ГА «BIBLIUBUS» КЕЛДИ

Бу йил Андижон вилоятида 16 та болалар оромгоҳида мактаб ўқувчилари ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун барча шароитлар яратилди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, болажонларнинг китоб ўқиш маданиятини ривожлантириш мақсадида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят болалар кутубхонаси ҳамкорлигида «Bibliobus» кўчма кутубхона хизмати ташкил этилди.

«Bibliobus»нинг навбатдаги ташрифи Андижон туманидаги «Орол» маҳалласида жойлашган 31-умумий таълим мактабида ташкил этилган болалар кундузги оромгоҳига бўлди. Малакали кутубхоначилар ёш китобхонларга ёшларига мос китоб танлашларида ёрдам беришди.

Ўз навбатида, китобсевар ўқувчилар иштирокидаги мушоиралар ҳам кўпчиликлка завқ улашди.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё
вилояти

Анжуман

Таътил мароқли ўтади

Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида бу йилги ёзги мавсумнинг очилишига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторинг таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳи аъзолари, тасарруфиди оромгоҳ мавжуд бўлган корхоналар раҳбарлари ва касабаси уюшма қўмиталари раислари, оромгоҳлар директорлари ва ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраевнинг таъкидлашича, жорий йилда вилоятда 15 та стационар оромгоҳда 17500 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, оилавий болалар уйида яшовчи 111 нафар ҳамда 100 нафар иқтидорли болани бепул йўлланма билан таъминлаш ҳам белгиланган.

Семинарда мавжуд оромгоҳларнинг бугунги аҳволи, уларни мавсумга тайёрлаш юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида масъулларнинг ахбороти тингланди. Бундан ташқари, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маданият, спортни ривожлантириш, фавқулодда вазиятлар бошқармалари мутасаддилари, санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари ҳамда Ёшлар агентлиги вакиллариининг ёзги мавсумини юқори



савияда ўтказиш бўйича белгиланган режалари ва тавсиялари ҳам эшитилди.

– Жорий йилда тўрт навбатда 1400 нафар болани дам олдиришни мўлжаллаётимиз, – деди Шаҳрисабз туманидаги Беруний номидаги оромгоҳ раҳбари Бобур Каримов. – Бунинг учун Шўртан нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси маъмурияти ва касабаси уюшма қўмитаси томонидан барча ша-

роитлар яратилди. Жорий таъмирлаш ишлари тугалланиб, оромгоҳ шай ҳолатга келтирилди.

Яқинда иштирокчилар «Лочин» оромгоҳида болаларни мазмунли ва мароқли дам олиши учун яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишишди.

Ақмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

1
...9 июнь куни устоз вафотига бир йил тўлди. Бир йилдирки, у киши ҳақида ҳеч нарса ёзолмайман. Аниқроғи, ёзсам, қийналаман, дилим оғриди. Шунинг учун ҳам ёзишга қўлим бормайди. Аслида, бу – нотўғри фалсафа. Шу йўл билан одам ўзини ўзи овутиб, энг яқин киши билан ўтган ёруғ ва мунаввар кунларини ёд этиш ва қийналиш азобидан, нурли хотиралар изтиробидан қочиб учун ҳам баъзан шундай баҳоналарни ўйлаб топади.

Лекин барибир ёзиш керак. Бир инсон бу дунёга келиб, 74 йил умр кўриб, чин дунёга равона бўларкан, унинг ҳаётда қолдирган изи, сўзи ва ўзи ҳақида албатта ёзиш керак.

Устоз мен учун оғам ва отамдек азиз ва қадрли инсон эди. У киши билан шунча йил яқин сирдош ва дилдош бўлиб, бирор марта ҳам ёмон ва ҳақоратли сўзини эшитмадим. Ёвли ва қаҳрли кўзини кўрмадим. Бировнинг дилини оғритиб, бурнини қонатганини билмадим. У киши одамга ҳамиша майин бир табассум, ажиб бир меҳр ва самимиётга йўғрилган ширингина нигоҳ билан боқиб турарди...

2
Кимнингдир назарига тушиб, кўтарилиб кетганимда, устоз биринчи бўлиб табриклаган эди. Яна айрим ғанимлар ғазабига учраб, қамалиб чиққанимда ҳам биринчи бўлиб уйимга одам юборган ва кимнингдир нахорги ошига таклиф қилиб, кўнглимни кўтарган ҳам устоз бўлганди.

Дарвоқе, ўша ош ҳақида. У даврларда қамалган бўлсанг, вақти келиб қамокдан чиқсанг ҳам, одамлар сени кўриб, юз метр нарига қочиб кетарди. Ҳеч ким оstonанга йўлай олмас эди. Йўласа – қамаларди. Ёзувчи Нурали Қобулнинг бир гапи бор: «Худо ургандан эмас, пошшо ургандан кўрк!» Ўша давр кайфияти ва руҳиятини аққол кўрсатадиган, аянам аниқроқ айтсак, сиёсий ҳаёт табиятини шундоққина очиб берадиган, яхши ва топиб айтилган гап бу. Ана шундай дилтанг ва рутубатли кунларнинг бирида эрталаб уйимиз олдида келиб тўхтаган хизмат машинасидан тушган ҳайдовчи мени устоз йўқлаётганларини, қандайдир тўй ошига боришимиз лозимлигини айтиб қолди. Бу менинг – қон ва тер ҳиди анқиб турган тор ва зах тергов камераларидаги тутқунликда чеккан ноинсоний азоб-уқубатларимдан кейин озодликка чиққач, илк бор эшитган энг яхши сўзим ва биринчи марта меҳмонга таклиф этилишим эди. Қамалганимдан кейин биринчи мартаба яна хизмат машинасига чиққандим ўшанда.


“ Устоз мени одатдагидек меҳр ва самимиёт билан илиқ кутиб олди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек, гўё мен давлат раҳбарининг амри билан қамалмагандек яхши муомала қилди. Анча вақтдан буён бундай соф инсоний муомалани кўрмаганим учунми, ғалати бўлиб кетдим. Тошкентдаги тўйларнинг доверуи ўзингизга яхши маълум. Кутилмаганда тўйхонада қуда томондан келганларга совға-салом топириш ва тўн кийдириш маросими бошланиб кетди. Президент девони мулозими деб эълон қилинган устоздан сўнг, не тонгки, микрофондан менинг номимни ўқиб қолишди: «Исमत Хушев даврага таклиф этилади!» Шўҳ ва шодон қаҳқаҳалар янграб турган базми жамшид бир лаҳза сукутга чўкди. Ўша тўйда елкамга ёпилган зарбоф тўн менинг бу дунёда ҳали яшашга ҳақли эканимга берилган оқ фотиҳа ва умр йўллариимга ёқилган «яшил чироқ» мисол кейинги ҳаётимни тамомила изга солиб, нурлантириб юборди. Устознинг менга мутлақо алоқаси бўлмаган тўй ва қуда-андалар рўйхатиға номимни атай киритиб кўрсатган бу ажиб илтифоти бетакор ва улуг бир яхшилик бўлиб, юрагимда умрбод яшаб қолди...

Устознинг бу марҳамати ёқдим, кўп ўтмай, кўтарилиб кетдим. Яна бош муҳаррир этиб тайинландим. Бу дунёда яна раҳбар бўлиш ҳам мумкин экан. Раҳбар бўлсанг, яна устозинг ва дўстинг ҳам кўпаяркан. Ҳаётнинг номардлиги шундаки, уларнинг аксариятидан эҳтиром ва ҳурмат ўрнига жафо, меҳру садоқат ўрнига жазо оларкансан.

Лекин мен бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган устоздек ўз укалари ва шогирдларига бир умр ғамхўр ва меҳрибон, содиқ ва садоқатли бўлиб қолиш хислати ва фазилати ҳаммага ҳам насиб этавермаскан. Ана шундай аламли ва армонли туйғулар огушида қоларканман, меҳр-мурувватга зор қалбим дарду ҳасратларга йўғрилган ажиб бир айрилиқ ва ҳижрон куйини чалгандек бўлади. Бу дунёни жуда эрта тарк этган акам, онам ва отамни соғиниб, изтироб чекаман. Юрагимда йиғилиб қолган ўқис туйғуларим, ҳис-ҳаяжонларим, пушаймон ва армонларим бош кўтарарди. Етимлигим ёдимга тушиб, бу номард ва нобакор, бемехр ва бешафкат дунёда бутунлай ёлғиз қолганимни беихтиёр сезиб қоламман. Лекин ҳаёт давом этади. Фарзандлар бор, яшаш керак. Дарвоқе, биз устоз ҳақида гаплашаётган эдик...

3
...Хорижга ҳижрат қилиш – муҳожирликка кетишдан олдин акам ва фарзандларим билан устознинг ишхонасига бориб хайрлашдим. «Кетишга ҳарор қилибсиз-да, Исमत»...

Сафар Остоновнинг сўнги кунлари ёки хориждаги ўзбек журналистидан ғамгин хотира



Собиқ «Инқилоб хиббони», ҳозирги Амир Темур майдонидаги Матбуотчилар уйининг бешинчи қаватидан пастга тушиб, мен билан хайрлашаркан, устознинг кўзларида беихтиёр ёш жилваланди. Буни сездирмасликка ҳаракат қилиб, ёнида ўзи билан бирга тушган редакция фотомухбирига қараб, «Расмга ол!» деб имо қилди. Сўнг аввал ўғилчам, кейин қизалоғим ва ниҳоят мени бир-бир бағрига босаркан: «Ҳали яхши кунлар келади ва Сизлар албатта Ватанга қайтасизлар!» деб қомил ишонч билан айтиб ва қучоқлаб хайрлашди. Лекин негадир кўзларини олиб қочди...

4
Устоз айтган яхши кунлар келиши ва менинг Ватанга қайтишим оз эмас, кўп эмас, роппа-роса 12 йилга чўзилди. 12 йил мен Ватандан узоқда, мусофир юртларда сарсон ва саргардон бўлиб юрдим. Сиёсий муҳожирликнинг аччиқ ва тахир нонини еб, бегона ва ёт ўлкаларда умргузаронлик қилдим. Устоз билан хайрлашганда эндигина 3-4 ёшда бўлган фарзандларим хорижда ўсиб улғайди, баллоғат ва камолот пиллапояларига етди, олий ўқув юртларида талаба бўлди. Мен она Ватанимга қайтганда ўт ва оловли йиғитлик даврим ўтиб кетган, бедард ва бетакор ёшлигим умрим армонига айланиб улгурган эди. Бу номард ҳаётнинг яхши-ёмони, пасту баландини кўриб, оғир, босиб бўлиб қолган сокин ва мўйсифид дамларим эди. Энди қадимимдан ўт чақнамасди. Ақли кирса, ҳушёр бўлиб яшашга ўрганиб ёт кўнликчи қоларкан одам.

Устоз билан яна ўша машҳур «Сквер – инқилоб хиббони» – Амир Темур майдони ёнидаги «Матбуотчилар-32»да – у киши узоқ йиллардан бери бош муҳаррирлик қилиб келаётган «Ўзбекистон овози» газетаси редакциясида учрашдик.

Орадан 12 йил ўтиб кетганига қарамай, устоз ҳануз ўша-ўша – ўзгармаганди. Қадди-қомати келишган, яхши ва дилкаш, самимий кўринишларини сақлаб қололган эди. Котибаси Шахло деган қизга юрфак биқинидаги «Уголок»дан табака олиб келишга пул бераркан, ораси икки қадам бўлса-да, «Шофёр билан бориб келинглар» деб меҳрибонлик қилади. Дам олиши хонасидаги музлаткичдан ул-бул нарса олиб столга қўяркан, ҳали очилмаган коньякка ишора қилиб, «Шуни энди очамиз» деб мулозамат кўрсатади. Боягина тахририят йиғилишида ўз ходимларига нисбатан қаттиққўллик билан ўта талабчанлик қилаётган устозимиз энди тамомила самимий ва меҳмондўст бир инсонга айланиб қолганини кўриб, ажиб ҳайратларга ошно бўламан, ҳавасим келади...

5
Дарвоқе, устознинг «Ўзбекистон овози»даги кабинети ҳақида. У киши бу муқаддас даргоҳда неча йил раҳбарлик қилган бўлса, кабинети ҳақиқий маънода «иккинчи уйи»га айланган эди. Шанба, ақшанба кунлари ҳам у киши ишхонасида бўларди. Газеталар биносига навбатчилик қиларкан кўриқлаш хизмати ходимлари ҳам бунга аллақачон кўникиб қолган эди. Устоз кишин-ёзин, йил ўн икки ой ишда бўларди. Дам олиш кунлари ҳам у кишини ишхонадан топишарди. Буни «газетний корпус»даги ҳамма журналистлар биларди...

Дарвоқе устознинг оиласи ҳақида ҳам тўхталиб ўтишим керак. Умр йўлдоши Жамила опа ва фарзандлари, хусусан,

қалби дарё ўғли Бахтиёржонни қаттиқ ҳурмат қиламан, қадрлайман. Баъзан ака билан бирга уйига бориб қолганимда, Жамила янгам мени жуда яхши кутиб олар, чиройли меҳмон қилиб, иззат-ҳурматимни жойига қўярди. Сафар ака қирқ йил газетда ишлаб, давлат мулозими ва бош муҳаррир бўлиб, Тошкентдан бирорта дурустроқ ҳовли олишимни йўламади. Оиласи ва болалари у кишидан буни жуда кўп илтимос қилишганини яхши биламан. Лекин устоз журналист ёки муҳаррирлик маоши билан бири икки бўлмаслигини яхши биларди. Тадбиркор ва пулдор танишлари, дўстлари кўп эди. Ердам сўраса, улар қарашарди, гапи ерда қолмасди. Лекин устоз бунни ўзига эп кўрмай, бир умр «ҳовлилик»мас, «дом»лик бўлиб яшаб ўтди. Оила аъзо-

лари даврасида янги уй-жой ва рўзгор ташвишларидан гап очилса, бошқа баҳоналар тўкириди...

6
Мен ҳар гал Ўзбекистонга борганимда, аэропортдан тўғри уйга бориб, жомадонларимни қўйган заҳоти, устозга «Ака, мен келдим!» деб телефон қилардим. У киши ўша заҳотийек менга машина юбориб, хузурига чорлар ва яна қотибасини шофёр билан бирга «Уголок»ка жўнатарди. Ўзи эса музлаткичда асраб қўйган ноз-неъматларини столга қўйиб, ҳар галгидек «С приездом!» дея машваратни бошлаб юборарди. Менинг Канададан келганим ўша заҳотийек бутун редакцияларга тарқалар, ҳамкасбларим Исमत Хушевнинг чет элдан келганини «Ўзбекистон овози» бош муҳаррири қабулхонаси котибасидан билиб, сўнг буни бошқа ҳамкасбларига тарқатарди...

7
...2021 йилнинг 9 июнь куни Тошкентдан Торонтога устознинг 1-давлат касалхонасида кутилмаганда вафот этгани ҳақидаги шум хабар етиб келди. Бу фожиа мени тамомила гангитиб қўйди. «Бўлиши мумкин эмас! Устоз ўлмаслиги керак эди!» деган бир-бирга қарама-қарши саволлар миямда чарх урар, ақлу ҳушим эса мени тарк эта бошлаган эди.

Мен устоз билан кейинги икки ойда деярли ҳар куни, баъзан бир кунда беш-олти мартаба гаплашиб турдим.

“ ...2022 йилнинг 10 апрель куни устоз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад, Самарқанддаги «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, сенатор Фармон Тошев, «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов, «XXI asr» газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалил, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторовлар билан бирга Фарғонага бориб, ўзбек ва рус тилларида чиқадиган вилоят ҳокимлиги газеталари бош муҳаррири, таниқли журналист Муҳаммаджон Обидовнинг 70 йиллик юбилейида иштирок этади.

Устознинг ўша сафар чоғи поезддаги бедор фурсатлари ва бемор ҳолатлари ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалил «Ўша сафар давомида устоз негадир жуда ҳорғин ва тушқун кайфиятда эди. Олдингига ўхшамасди. Поездда ҳам ўтиролмай, ётиб кетди. Кайтгунча Тошкентдан кўнгироқ бўлди ва маҳзун тортиб қолди» деган эди...

Устоз Фарғонадан қайтиб келган куннинг эрта-сиёғат Зангиотадаги шифохонага ётқизилади. Мен устозга Канададан деярли ҳар куни телефон қилардим. Касалхонага тушганидан кейин эса бир кунда беш-олти мартаба гаплашиб турдик. Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати айтишим керак, Зангиотада устозга жуда яхши қарашди. Депутат бўлганлари учунми, ҳар қалай, телефонларини олиб қўйишмади. Орадан роппа-роса 18 кун ўтиб, 30 апрель куни у ердан «Сиз энди соғломсиз!» деб кетишга рухсат беришди.

Мен оилам билан бирга Канадада ковидга чалиниб, салкам икки ярим – уч ой муддат ётиб даволанган эдим. Устозга эса атиги ўн саккиз кунда бўлди, тузалдингиз деб, уйига жавоб бериб юборганларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Демак, лангана-хасталикнинг энгилроқ формаси экан, тезда тузалиб чиқибди-да, деб ўйладим...

9
Лекин менинг бу кувончим узоққа чўзилмади. Орадан бир ҳафта ўтиб, 6 май куни устоз энди Зангиотага эмас, балким 1-хўкумат шифохонасига олиб кетилади. Ўтказилган тиббий текширув ҳулосалари у кишида яна ўша лангана касаллик асоратлари борлиги аниқланади. 6 майдан шифохонага келтирилган устозни 17 май куни бу ердан ҳам «тузалдингиз» деб, яна уйига жавоб беришди.

Балким ўша пайтда ковидга чалинган мулозимлар Ўзбекистонда ҳаддан зиёд кўп бўлгандир, шифохонада жойлар етишмагандир. Лекин устоз иккинчи мартаба касалхонадан уйига чиққанидаги у кишининг руҳий вазиятидан бироз хабардор эдим. Касалхонадан чиқиш арафасида «Кайфиятим жуда яхши. Нафас олишим жойида, мадор-сизлигим йўқолди» деган устоз орадан бир кун ўтар-ўтмас, оғир-оғир нафас олиб, асабийлашиб: «Менга жавоб беришди, Исमत, ҳозир уйдаман» деган эди.

Орадан уч кун ўтиб, 20 май куни устоз яна ўша касалхонага олиб келинган. Бир ҳафта, ўн кунда оёққа туриб, анча ўзига келган. Бир гал ҳатто

ҳовлига чиқиб, гулзор олдидаги скамейкада ётиб, маъза қилиб қуёшда тобланганларини айтиб берган эди ўзлари телефонда.

Биз ҳар куни гаплашиб турардик. Устоз ҳар куни бўлган воқеаларни айтиб турарди.

Палатага кутилмаганда берухсат кириб келган ишчи кийимидидаги бир йиғит ҳе йўқ, бе йўқ, палата эшигининг ёнчиллашини тўғрилайман деб, болгаларини ишга солиб, узоқ муддат «устачилик» қилиб, асабини бузгани-ю, бир оқшом ярим тунда палатани ювиб, тозаланган фаррош негадир эшик ва деразани ланг отиб қолдириб кетганимга ҳаммасидан хабардор эдим. Ёмони шуки, елвизак туфайли қаттиқ шамоллаб қолади ва йўтали кучаяди. Бу ҳам етмагандек, ёшгина бир ҳамшира келиб, балғам олишим керак экан сиздан, кучаниб йўталасиз энди деб, кўп қийнайди.

10
Биз гапларни эшитиб, Канададаги врач қўшнимдан ковидга чалинган ва ўпкаси шамоллаган бемордан мажбурий балғам олиш мумкинми, деб сўрадим. Ундан, йўқ, бу унинг ўлимини тезлаштиради, деган жавобни эшитиб, ҳайрон бўлгандим...

Хуласа, турли хил сабаблар туфайли аҳоли бат-бат емонлашади. 2021 йилнинг 9 июнь куни устоз 1-хўкумат касалхонасининг ертўласида жойлашган реанимация бўлимида бу ёруғ оламини тарк этади...

11
Мен Канададан Ўзбекистонга 2021 йилнинг 14 июнь куни етиб келдим.

Аэропортдан тўғри устоз қабрини зиёрат қилиш учун «Минор» қабристонига бордик.

Устоз билан ҳамиша яхши муносабатда бўлган ва у кишини жуда ҳурмат қилган буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг шундай шеъри бор:

Ким қанча кувмасин сенинг ортиндан,
Бир сиқим тупроқни кўрсатдинг охир.

Бу қабристонда ётган устоз ростдан ҳам бир сиқим тупроққа айланиб қолган эди...

12
– Дадамнинг олдига бориб, уни таний олмай. Бир кун олдин борганимда жуда яхши эди, – деди қабристонда устознинг кенжа ўғли Бахтиёр кўзлари тўла ёш билан. – Бир кунда ҳам одам шунчалар ўзгариб қолиши мумкинми? «Бахтиёр, мен чарчадим, туни билан ухломмадим, кроватга ётолмадим, ётсам – юрагим осилиб тушгандай бўляпти. Уни худди биров тортиб, чўзиб, тилка-пора қилаётгандай оғрияпти, ётолмаяман, ўтирсам, сал яхшиман» дедилар. Худди ўша пайтда, Исमत ака, сиз Канададан телефон қилиб қолдингиз. Ниманидир сизга айтмоқчи бўлди. Лекин қийналиб, айтолмади. Кейин гаплашамиз деб телефонни қўйди...

...Тошкентдаги сафарим тугаб, Канадага кетишдан олдин Юнусободдаги устоз ётган қабристонга бориб, яна зиёрат қилдим. Сўнг Бахтиёрга телефон қилиб, хайрлашдим.

– Майли, укажон. Энди отанг қайтиб келмайди. Оллоҳ ҳузурига кетди. Аянгни, акангни ва опангни асра, жиянларингга ўзинг бош бўл, улардан хабар олиб тур. Бу ҳаёт шунақа бешафкат экан...

...Тошкентни тарк этарканман, Торонтога етарканман, самоларда ўтган 16 соатлик бетиним парвоз давомида устознинг маънос ва ўйчан чехраси кўз ўнгимдан нари кетмади...

Исमत ХУШЕВ,
«Дунё ўзбеклари» мустақил интернет-газетаси бош муҳаррири
2022 йил, 26 апрель – 26 май.
Торонто шаҳри, Канада.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

1334 2010-5000 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),
Улугбек ЖАЛИМОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ГОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўкум ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Алдейон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28
Навбай вилояти – (+998-99) 889-90-02
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наҳанов

Мусахҳас:
У. Худойберганаева

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалолов

Бошига топириш вақти – 20:00
Топирилди! – 20:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма таъриф
Буюртма V-5188
34287 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзиллими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида теринди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят хисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ropeka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОХЭД: 58130